

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАҒУЛОВ АЛИШЕР ЭРНАПАСОВИЧ

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Жумагулов Алишер Эрнапасович

Инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми.....3

Jumagulov Alisher Ernapasovich

Civil-legal status of investment funds.....23

Жумагулов Алишер Эрнапасович

Гражданско-правовой статус инвестиционных фондов.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАҒУЛОВ АЛИШЕР ЭРНАПАСОВИЧ

**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Yu190 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Жаҳонгир Иномович,
юридик фанлар номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Имомов Нурилло Файзуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Нарзиев Отабек Саъдиевич
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 12 февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1004-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темура кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» январда тарқатилди.

(2022 йил «25» январдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё молия бозорларига пандемия жиддий таъсир қилишига қарамай, инвестиция фондларининг инвесторлар пул маблағларини жалб қилишдаги салоҳияти ошиб бормоқда. 2020 йил охирига келиб, «дунё бўйича инвестиция фондларининг соф активлари қиймати деярли 63,1 трлн. АҚШ долларига етиб, ўтган йилга нисбатан 14 фоизга ошган. Худудлар кесимида Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари энг юқори – 18 фоиз, Европа Иттифоқи мамлакатлари 14 фоиз ва АҚШ 12 фоиз ўсишга эришган¹. Гарчи ижобий ўсиш кузатилсада, айрим ривожланаётган давлатларда инвестиция фондлари салоҳиятидан иқтисодиётни ривожлантиришда самарали фойдаланилмаётганлиги, фуқаролик муомаласида уларнинг роли сезилмаётганлиги, рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиш даврида инвестиция фондларининг аҳамияти ортиб бораётганлиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда инвестиция фондлари фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солиш, рақамли иқтисодиёт шароитида инвестиция фондларининг янги инновацион шакллари хусусиятларини тадқиқ этиш, аҳолини инвестициялаш жараёнларига кенгроқ жалб этиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, инвестиция фондларининг молиявий хизматлар бозори тизимидаги ўрнини белгилаш ва уларни бошқа молиявий воситачилардан фарқлаш, уларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Республикамызда ишбилармонлик ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, қимматли қоғозлар бозорининг ҳуқуқий асосларини яратиш, аҳолининг бўш маблағларини иқтисодиёт тармоқларига кенг жалб этиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жамоавий инвестициялаш институтларини ривожлантириш, хусусий компанияларнинг фонд бозорига киришини енгиллаштириш, венчур инвестициялашни рағбатлантириш, «капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш»² иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири

¹ ICI. Investment Company Fact Book, 2021. https://www.ici.org/system/files/2021-05/2021_factbook.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. № 6. 70-модда.

сифатида белгиланганлиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги (2015), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (2015), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2014), «Инновацион фаолият тўғрисида»ги (2020), «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги (2001) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон (2017), «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–6155-сон (2021), «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5583-сон (2018) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш масалалари миллий цивилистикада тадқиқ этилмаган. Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида инвестиция фондларининг айрим жиҳатлари О.Окюлов, Д.Қараходжаева, Н.Имомов, Б.Самарходжаев, С.Гулямов, Б.Топилдиев, Ж.Юлдашев, О.Нарзиев, А.Тожибоев ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш С.Гулямов ва Ж.Юлдашев, инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш Б.Самарходжаев, инвестиция активларини ишончли бошқариш шартномаси Б.Топилдиев, фонд бозорига оид ҳуқуқий масалалар О.Нарзиев, қимматли қоғозлар муомаласининг ҳуқуқий жиҳатлари Ю.Назаров ва венчур молиялашнинг ҳуқуқий асослари А.Тожибоевлар томонидан махсус тадқиқ этилган.

МДҲ давлатларида А.Суханов, О.Шалина, И.Гаврилюк, Е.Абрамов, И.Фридман, В.Пупынин, В.Лебедев ва бошқа олимлар бу борада илмий тадқиқот олиб борган.

Хорижий мамлакатларда инвестиция фондларининг ҳуқуқий жиҳатлари J.Morley, C.Kremer, I.Lebbe, V.Schonfeld, T.Kerwin, E.Kim,

J. Danielsson, Dark A Zetzche, A.Taylor, J.Zigrand, D.Fernando, L.Klapper, V.Sulla, D.Vittas, M.Usmani, Z.Bodie, A.Kane, Alan J Marcus томонидан ўрганилган.¹

Мамлакатимизда инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилашга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада мустаҳкамлаш масалалари» ва «Тадбиркорлик фаолиятида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий масалалари» илмий тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инвестиция фондларининг вужудга келиш тарихи ва моҳиятини ёритиш;

инвестиция фондларининг турлари ва уларни тўғри таснифлаш масалаларини таҳлил қилиш;

инвестиция фондларининг молиявий хизматлар бозори субъектлари тизимида туганган ўрнини белгилаш;

инвестиция фондларини ташкил этиш ва бошқаришга оид ҳуқуқий масалаларни тадқиқ қилиш;

инвестиция фондларини тугатиш ва қайта ташкил этишга оид ҳуқуқий масалаларни ўрганиш;

инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини таҳлил қилиш;

инвестиция фондларининг фаолиятини оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш нисбатини белгилаш;

инвестиция фондларининг фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилишнинг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

инвестиция фондларига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга доир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ҳамда юридик фанда мавжуд

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларга корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилиши инвестиция фондларининг фаоллигига олиб келиши асослантирилган;

инвестиция компаниясининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини аниқ белгилаш, инвестицияларни жамғариш ва бошқариш функцияларини айна бир субъектда жамламаслик асослантирилган;

малакали инвесторларнинг инвестиция ҳиссаларини тўплашда инвестициявий муносабатлар субъектларига шартномавий эркинлик бериш лозимлиги асослаб берилган;

инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари ва бошқарувчи компанияларнинг фаолиятида давлат регуляторлик функциясини махсус давлат бошқарув органига юклаш асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва ушбу фондларни таснифлашда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш асослаб берилган;

«пай фонди» тушунчасини «шартномавий фонд» тушунчаси билан алмаштириш ва янги ҳуқуқий категориялар сифатида «чакана инвестор», «малакали инвестор», «хедж фонди», «хусусий инвестиция фонди» тушунчаларини фуқаролик муомаласига киритиш таклифи илгари сурилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига акциядорлик жамиятларининг инвестициялашга ихтисослашган махсус турларини киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили асосида мамлакатимизда инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда Европа моделига таяниш лозимлиги асослантирилган;

инвестиция хизматлари кўрсатишни алоҳида тадбиркорлик фаолияти тури сифатида белгилаш ва ушбу тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга нисбатан аниқ талабларни ишлаб чиқишга оид таклифлар илгари сурилган;

венчур фондлари орқали қимматли қоғозлар бозорининг тараққиётига эришиш юзасидан Хитой Халқ Республикаси тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари хорижий ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан

расмийлаштирилган, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган бўлиб, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, илмий хулоса ва амалий таклифлардан инвестиция фондлари ва жамоавий инвестициялаш институтлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек «Инвестиция ҳуқуқи», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Қимматли қоғозлар бозори ҳуқуқи», «Бизнес ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ» каби юридик фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инвестиция фондларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

масбулияти чекланган ва қўшимча масбулиятли жамиятларга корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни 3-моддаси 16-хатбошига ўзгартириш ва қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 11 январдаги 3-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши молиявий хизматлар бозори имкониятларини кенгайтириб, инвесторлар фаоллигини оширишга имкон берган;

инвестиция компаниясининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини аниқ белгилаш, инвестицияларни жамғариш ва бошқариш функцияларини айти бир субъектда жамламаслик тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция ва бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисида Низомни тайёрлашда фойдаланилган. Жумладан, инвестиция компаниясининг ҳуқуқий мақомини белгилаш тўғрисидаги таклиф низомнинг 4-банди, инвестиция компанияларининг вазифалари ҳақидаги таклиф низомнинг 6-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 2 мартдаги 12/21-10-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши инвестиция компанияларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, инвестиция компанияларининг инвестициявий хизматларни кўрсатишда асосий субъект деб тан олиниши ва инвестициявий муносабатларда рискларни диверсификациялашга хизмат қилган;

малакали инвесторларнинг инвестиция ҳиссаларини жамлашда инвестициявий муносабатлар субъектларига шартномавий эркинлик бериш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция ва

бошқарув компаниялари фаолияти тўғрисида низомни тайёрлашда фойдаланилган. Жумладан, малакали инвесторлар ҳақидаги таклиф мазкур низомнинг 2-банди 5-хатбошисини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 2 мартдаги 12/21-10-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши венчур фондлари ва хусусий инвестиция фондлари ташкил этилиши ва фаолият юритишига, инвестициявий жараёнларда малакали инвесторларнинг фаоллашувига хизмат қилган;

инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари ва бошқарувчи компанияларнинг фаолиятида давлат регуляторлик функцияси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тўғрисида низомнинг 2-бандини ишлаб чиқишда инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 2 мартдаги 12/21-10-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши инвестиция фондлари фаолиятини ягона регулятор орқали назорат қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 5 та мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Инвестиция фондларининг умумий**

тавсифи ва уларнинг ўзига хос жихатлари» деб номланиб, унда инвестиция фондларининг вужудга келиш тарихи, уларнинг аҳамияти, зарурати, инвестиция фонди тушунчасига оид илмий-назарий қарашлар, инвестиция фондларининг турлари ва уларни таснифлашга оид ёндашувлар, инвестиция фондларининг бошқа молиявий воситачилар орасида тутган ўрни ҳамда инвестиция фондларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллиф «инвестиция фонди» тушунчасини таҳлил қилишда кўплаб иқтисодчи (В.П.Чижик, И.Л.Бутиков, А.Е.Абрамов, Ш.Шохаъзамий, М.Б.Султонбаева, М.Султонов) ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг (Е.А.Суханов, Е.В.Иванова, В.Н.Лебедев, А.И.Фридман, А.З.Тожибоев, J.Morley, С.Kremer, I.Lebbe, V.Schonfeld, E.Kim, Dark A Zetzche) фикр ва қарашларидан фойдаланиб, улар билан мунозарага киришган. Инвестиция фонди тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: «Инвестиция фондлари бу инвесторлар пул маблағларини жалб этиш ва халқаро қимматли қоғозлар ва молия бозорига интеграциялашувини рағбатлантирувчи, диверсификация тамойили асосида инвестиция хизматларини кўрсатиш мақсадида инвестиция компанияси томонидан юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки бошқарув компанияси томонидан шартномавий асосда барча тоифадаги инвесторлардан маблағларни жалб этиш учун ташкил этиладиган тадбиркорлик фаолияти субъектидир».

Диссертацияда инвестиция фондларининг вужудга келиш тарихи таҳлил қилиниб, уларнинг пайдо бўлиши Буюк географик кашфиётлар даврига бориб тақалса-да, аммо уларнинг тараққиёти 1980 йилларга тўғри келиши аниқланган. Шунингдек, тадқиқотчи инвестиция фондлари кўплаб мамлакатлар учун янги ҳуқуқий воқелик деган хулосага келган.

Шунингдек, тадқиқотчи мамлакатимизда инвестиция фондлари мустақилликдан кейин пайдо бўлганлигини, дастлабки инвестиция фондлари хусусийлаштиришни тезлаштириш мақсадида ташкил этилганлигини, аммо бугунги кунда улар фаолият юритмаётганлигини аниқлаган.

Тадқиқотчи инвестиция фондларига оид қонунчиликнинг мамлакатимизда вужудга келишини таҳлил қилиб, қонунчиликнинг тарқоқ ва чалкашлиги сабабли амалдаги қонунчилик инвестиция фондларининг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди, деган хулосага келган.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестиция фондларининг хусусийлаштириш жараёнларидаги афзалликлари, корпоратив бошқарувни таъминлашдаги роли, иқтисодиётни мунтазам капитал билан таъминлаш ҳамда аҳолининг мамлакат иқтисодиётидаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашиш функцияларидан фойдаланилмаётганлиги қайд этилган.

Диссертантнинг фикрича, инвестиция фондлари инвестициялаш мақсадида ташкил этилган барча фондларнинг умумий номидир. Аммо МДХ мамлакатлари қонунчилигида шартномавий инвестиция фондларини пай фонди деб юритиш қабул қилинган. Шунингдек, бошқа ривожланган мамлакатлар қонунчилигида ушбу фондлар «умумий фондлар» ёки «шартномавий фондлар» деб юритилади. Қонунчилигимизда «пай» сўзи «пай бадали» сўз бирикмаси шаклида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Уй-жой кодекси ва «Кооперация тўғрисида»ги Қонунида

ишлатилади. Аммо, «пай» сўзига ҳуқуқий атама сифатида бирор норматив-ҳуқуқий ҳужжатда таъриф берилмаган. «Пай» атамаси Собиқ Иттифоқ давридаги ишлаб чиқариш кооперативларига тегишли тушунча бўлиб, ҳозирда ишлаб чиқариш кооперативлари МДХ мамлакатларида самарали фаолият кўрсатмаяпти. Натижада, амалиётда пай фондларининг моҳияти тўлиқ англалмаганлиги аён бўлмоқда. Тадқиқотчининг назарида, бу ҳолат «пай» сўзининг маънан эскирганлиги ва ишлаб чиқариш кооперативлари билан унинг узвий боғлиқлигидадир. Шу боис, ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда пай фондларини «шартномавий инвестиция фондлари» деб номлаш таклиф этилди.

Диссертантнинг таҳлилларига кўра, инвестиция фондлари турфа хил бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуни мазкур хилма-хилликни ўзида акс эттира олмаган. Қонуннинг 3-моддасига кўра юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фонди инвестиция фонди сифатида тан олинади ва у акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши лозим. Бироқ тадқиқотчи молиявий хизматлар бозори ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ ва Люксембург қонунчилигида инвестиция фондларини ташкил этиш учун қатъий ташкилий-ҳуқуқий шакл белгиланмаганлигини келтиради.

Шунингдек, тадқиқотчи инвестиция фондлари тўғрисидаги қонунчилик уларни инвестицияларни қайси манбадан жамғаришга қараб таснифланмаганлигига эътибор қаратади. Ривожланган мамлакатларда инвестицияларни қайси манбадан жамғариш масаласи жуда муҳим эканлиги, шунга қараб, инвестиция фондлари чакана инвесторлар ёки малакали инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондларига тоифаланишини аниқлаган. Бу борада, АҚШ тажрибасидан ижобий мисоллар келтирилган бўлиб, ўз акцияларини оммавий таклиф қилмайдиган инвестиция компанияларининг фаолияти «Инвестиция компаниялари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинмаслиги, улар инвестициялар объектларини мустақил белгилашлари таъкидланган.

Тадқиқотчининг фикрича, венчур фонди инвестиция фондларнинг бир тури, бироқ у Ўзбекистон қонунчилигида инвестиция фондларнинг тури сифатида тан олинмаган. Моҳиятан, венчур инвестиция фондлари фақатгина малакали инвесторларга хизмат кўрсатади. Шу жиҳатдан, венчур фондлари АҚШдаги хедж фондлари ва Европа Иттифоқидаги муқобил инвестиция фондларига мос келади.

Диссертацияда таҳлиллар асосида инвестиция фондининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари ажратиб кўрсатилган:

- инвестиция фондлари тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади;
- инвестиция фондларида инвестициялаш тадбиркорлик таваккалчилигига асосланганлиги сабабли даромадлар олдиндан ваъда қилинмайди;
- чакана инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондлари чекланмаган доирадаги инвесторларга ўз хизматларини таклиф этади ва уларнинг фаолияти қатъий назорат қилинади;

- чакана инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондлари ўз қимматли қоғозларини қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлади;

- чакана инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондлари юқори ликвидли активларга инвестиция киритади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инвестиция фондларини ташкил этиш ва улар фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий масалалари**» деб номланиб, инвестиция фондларини ташкил этиш, инвестиция фондларининг муассисларини белгилаш, инвестиция фондларини давлат рўйхатидан ўтказиш, инвестиция фонди ва унинг бошқарувчи компанияси ўртасида ҳуқуқий муносабатлар, инвестиция фондларнинг махсус ҳуқуқ лаёқати, инвестиция фондларини қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳамда инвестиция фондлари иштирокидаги ҳуқуқий муносабатларда жавобгарлик каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертантнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуни инвестиция фондларини ташкил этиш учун аниқ тартиботларни белгилаб бера олмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган «Инвестиция фондлари тўғрисида»ги Низом инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичларини тартибга солган бўлса-да, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат бугунги кунда ўз кучини йўқотган. Диссертант айтишида инвестиция фондларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказишнинг аниқ механизмларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас, деган хулосага келган.

Шунингдек, диссертантнинг аниқлашича, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунида пай фондларига оид нормалар 2017 йил 1 июлидан бошлаб амал қилишни бошлаши ва пай фондларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ механизмларини ўзида акс эттирадиган қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиши белгиланган бўлса-да, мазкур вазифалар бугунги кунга қадар амалга оширилмаган. Диссертантнинг фикрича, юридик шахс шаклидаги корпоратив инвестиция фонди ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги шартномавий инвестиция фондларига нисбатан айрича талаблар белгиланмаслиги лозим. Моҳиятан ягона мазмунга эга бўлган икки хил шакл учун алоҳида талабларнинг ўрнатилиши уларга нисбатан турлича муносабатни шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунида инвестиция фондларини таъсис этувчилар доираси чегаралаб қўйилмаганлиги боис, ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс инвестиция фондларининг таъсисчиси бўлиши мумкин. Бироқ диссертантнинг қайд этишича, ривожланган хорижий мамлакатларда инвестиция фондларини ташкил этиш ҳуқуқи фақатгина молиявий имкониятлари етарли профессионал тадбиркорлик субъектларига тақдим этилади. Жумладан, АҚШда инвестиция маслаҳатчилари инвестиция фондларининг таъсисчиси (инглиз тилида промоутер тушунчаси ишлатилади) бўлиб, кейинчалик улар фонднинг акциядорларига айланади.

Молиявий хизматлар бозорида камида 5 йил, шундан, камида охирги 3 йилни фойда билан яқунлаган банклар ва бошқа молиявий юридик шахслар фонд таъсисчиси бўлиши мумкин. Агар инвестиция фондининг акциялари оммавий таклиф этилса, 100 минг АҚШ доллари миқдорида дастлабки устав капиталига эга бўлиши талаб этилади. Шу боис, диссертант инвестиция фондлари махсус ҳуқуқ лаёқатига эга эканлиги, уларнинг таъсисчилари махсус субъектлар бўлиб, улар молиявий, техник ва кадр борасида етарли салоҳиятга эга бўлиши лозимлигини асослаган.

Диссертантнинг таъкидлашича, қонунчилигимизда акциядорлик жамиятлари учун устав фондини шакллантириш муддати инвестиция фондларига мос келмайди. Чунки инвестиция фондлари устав фонди миқдори давлат рўйхатидан ўтказилунга қадар шакллантирилмаса, инвестиция фондлари ўз қимматли қоғозларини қайтариб сотиб олиш мажбуриятини бажара олмайди.

Диссертант инвестиция фондининг номи унинг бирор-бир миллий-давлат ёки маъмурий-худудий тузилмага, шунингдек, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотларига тааллуқли эканлигини аниқлаш керак, деган қонунчилик талабини таҳлил қила туриб, ўзаро ташкил этилган Ўзбекистон ва БАА инвестиция фондининг мазкур талабга мос келмаслигини аниқлаган. Мазкур ҳолатда Ўзбекистон ва БАА инвестиция фонди ўз қимматли қоғозларини оммавий таклиф қилмаслиги ва уларни доимий эмиссия қилмаслиги унинг инвестиция фонди деб тан олинмаслигига асос бўлади. Мазкур ҳолатда диссертант Ўзбекистон ва БАА инвестиция фондини инвестиция компанияси деб аташни таклиф қилган.

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига кўра, акциядорлик жамиятлари навбатдаги эмиссияни давлат рўйхатидан ўтказиши ва таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиши шарт. Инвестиция фондлари мунтазам эмиссия қилишлари боис таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ва ҳар сафар эмиссия учун давлат йиғимини тўлаш уларнинг тўлақонли фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Диссертантнинг аниқлашича, континентал ҳуқуқ тизимида акциядорлик жамиятининг айнан инвестициялаш фаолиятига ихтисослашган тури SICAV (ўзгарувчан капиталли инвестиция жамияти) фаолият юритади. Улар доимий равишда соф активлар қийматида акция эмиссия қилишлари мумкин ва бунинг учун таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш талаб этилмайди. Бундай инвестиция фондларида акцияларнинг номинал қиймати мавжуд бўлмайди ва уларнинг ҳақиқий қиймати кунлик соф актив қийматидан келиб чиқади. Диссертант ўзгарувчан капиталли инвестиция жамиятига оид нормаларни Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига киритишни таклиф этган.

Диссертант инвестиция фондларини тугатишда фондларнинг ўзига хосликларини инобатга олиш лозим деган хулосага келган. Хорижий мамлакатларда даромадли фаолият юритиш учун етарли активларга эга бўлмай қолиш, баъзида молиявий инқирозлар натижасида маблағларнинг

камайиши активларнинг сезиларли даражада қисқаришига олиб келиши, фаолиятни давом эттиришни фойдасиз қилиб қўйиши натижасида инвестиция фондини мажбурий тугатиш амалиёти мавжуд. Тадқиқотчи инвестиция фондларини тугатиш билан боғлиқ аниқ нормаларни қонунчиликка киритиш таклифини илгари суради.

Диссертациянинг учинчи боби **«Инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилашда оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий элементлар таъсири»** деб номланиб, инвестиция фондларининг ҳуқуқий мақомини белгилашда оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий элементларнинг нисбатини белгилаш зарурати, инвесторларни ҳимоя қилиш, инвестиция фонди ва бошқарувчи компания фаолиятини лицензиялаш ва лицензия талабларини ишлаб чиқиш масалалари, инвестиция фондларига оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинган.

Диссертантнинг аниқлашича, молиявий хизматлар бозори иштирокчиларининг фаолияти барча мамлакатларда давлат ва нодавлат тузилмалар томонидан қатъий назорат қилинади. Инвестиция фондлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш фондни ташкил этиш босқичидан то тугатилгунигача бўлган даврни қамраб олади.

Тадқиқотчи О.Шалинанинг ривожланган мамлакатларда инвестиция фондларининг ривожланиши инвесторлар ишончи даражасига қарам бўлганлиги сабабли уларнинг устидан кучли назорат қилиш қабул қилинган, деган фикрини қўллаб-қувватлаб, АҚШ ва Люксембургда инвестиция фондлари фаолияти қай тарзда ваколатли органлар томонидан назорат қилинишини таҳлилга тортган. Диссертант ўз акцияларини оммавий таклиф этадиган инвестиция компанияларининг фаолияти назорат қилиниши инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда инвестиция фондларининг фаолияти билан боғлиқ молиявий тизим ва иқтисодиётда хатарларни камайтиришни кўзлайди, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, инвестиция фондларининг фаолиятини назорат қилиш ихтисослашган регулятор томонидан амалга оширилиши лозим. У Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг ташкил этилганлиги инвестиция фондларининг фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашда самарали механизмларни ўрнатади, деган хулосага келган эди. Бироқ агентлик тугатилиб, молиявий хизматлар бозорини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўтказилди.

Диссертант инвестиция фондларига оид қонунчиликдаги депозитарий билан боғлиқ нормаларга эътиборини қаратади. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунида депозитарий сифатида фақатгина Марказий депозитарий унитар корхонаси келтирилади. Бироқ ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, жумладан, Люксембург қонунчилигига кўра тижорат банклари депозитарий сифатида фаолият юритиши мумкин. Ташкил этилаётган инвестиция фондларининг депозитарийси унинг активлари сақланаётган банк бўлиб, у ушбу мамлакатнинг резиденти бўлиши ва уларнинг бош қароргоҳи Люксембургда жойлашган бўлиши лозим. Инвесторлар олдида инвестиция компанияси ва

бошқарув компанияси билан биргаликда депозитарийнинг ҳам жавобгарлиги белгиланган. Шунингдек, диссертантнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонуни депозитарийга инвестиция фондларини самарали назорат қилиш ваколатини бермайди. Мазкур ҳолатда диссертант депозитарий ваколатларини кенгайтириш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда унинг жавобгарлигини белгилашни таклиф қилган.

Диссертантнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасида инвестиция фонди ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шу жумладан, чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активлари эканлиги белгиланган. Россия Федерацияси ва Қозоғистон қонунчилигида инвестиция фондлари томонидан инвестициялаш объекти сифатида рухсат берилган молиявий воситалар рўйхати белгиланган. Люксембург қонунчилигида ҳам чакана инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондларига эркин айирбошладиган қимматли қоғозлар ва юқори ликвидли молиявий воситаларга инвестиция қилишга рухсат берилган. Европа Иттифоқининг директиваларида эркин айирбошладиган қимматли қоғозлар таърифи берилган бўлиб, унга кўра Иттифоқ ҳудуди ва ундан ташқаридаги мамлакатларнинг тан олинган биржаларида муомалада бўладиган қимматли қоғозлар эркин айирбошладиган қимматли қоғозлар ҳисобланади. Шу боис, тадқиқотчи чакана инвесторларга хизмат кўрсатувчи инвестиция фондларининг инвестициялаш объектларини аниқ белгилаб қўйишни таклиф этади.

Диссертантнинг қайд этишича, амалдаги қонунчиликда «инвестиция хизматлари» тушунчаси мавжуд эмас. Бироқ кузатувлар натижасида кундалик ҳаётда, интернет саҳифалари орқали инвестиция хизматларини реклама қилаётган, маблағларни кўпайтириб беришни ваъда қилаётган фирмалар жуда кўпайиб бормоқда. Уларнинг аксари инвестиция компанияси ниқоби остида ҳаракат қилаётган фирибгарлар бўлиб, аҳолига моддий зарар етказмоқда. Диссертант жамоавий инвестициялаш хизматлари, брокерлик хизматлари, пенсияни режалаштириш хизматлари, инвестицияларни бошқариш хизматлари, депозитарий хизматлари, инвестициявий консалтинг хизматлари, венчур инвестиция хизматларини инвестиция хизматлари деб ҳисоблайди. Тадқиқотчининг фикрича, «инвестиция хизматлари» тушунчасини қонунчиликка киритиш хизматлар ва бундай хизмат кўрсатувчилар доирасини аниқ белгилаш, уларни тўғри таснифлаш ҳамда бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлардан фарқлаш имконини беради.

Тадқиқотчининг аниқлашича, инвестиция фондининг бошланғич капитали АҚШда юз минг АҚШ доллари, Люксембургда бир миллион икки юз эллик минг АҚШ доллари ва Германияда эса беш миллион евро, Россия Федерациясида ўттиз беш миллион рублни ташкил этиши лозимлиги белгиланган. Мамлакатимизда эса юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фондлари акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши боис

устав фондини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни нормалари билан тартибга солинади. Мазкур қонунга киритилган ўзгартиришларга кўра устав фондининг энг кам миқдори лицензия талаблари миқдори билан белгиланади, инвестиция фондларининг фаолияти эса Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни 1-иловасига биноан лицензияланмаслиги белгиланган. Диссертантнинг фикрича, инвестиция фондларини устав фондининг минимал миқдорисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, тадқиқотчи юридик шахс сифатида ташкил этиладиган инвестиция фондининг ҳам, шартномавий инвестиция фондини ташкил этадиган бошқарув компаниясининг ҳам ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, устав фондининг минимал миқдорини белгилаш ва уни рўйхатдан ўтгунча тўлиқ тўлдиришни талаб қилиш амалиётни жорий этишни таклиф қилган.

Тадқиқотчи мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни давлатнинг кучли назорати остидан чиқариш, реал ҳамда амалда ишлайдиган қонунчилик базасини яратиш, бунинг учун мазкур фондларни ташкил этиш ва инвесторлар ишончини таъминлаш масаласида Европа Иттифоқи қонунчилигини асос қилиб олиш лозимлигини таклиф этади.

Диссертант мамлакатимизда инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиб, ислом инвестиция фондларига эътибор қаратади. Бу борада диссертант Қозоғистон тажрибасини мисол келтириб, инвестиция фондларига оид қонунчиликка алоҳида норма киритилиши ислом инвестиция фондлари фаолиятини бошлаши учун етарли деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув ислом инвестиция фондларига оид алоҳида қонунчилик базасини яратишни истисно этади ва уларнинг ҳам мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшишига имкон яратади.

Шунингдек, тадқиқотчи инвестиция фондларини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиб, ХХРнинг венчур фондларни қўллаб-қувватлаш орқали капитал бозорини ривожлантириш бўйича эришган ютуқлари мамлакатимизда ҳам ижобий самара беради, деган хулосага келган. Унинг таъкидлашича, ХХР давлат маблағлари асосида инновацияларни хусусий бошқарув компаниялари воситачилигида молиялаштириши унга 30 йил ичида улкан иқтисодиётни барпо этиш имкониятини берди.

ХУЛОСА

Инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

